

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

— 2-2020 —

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

Ш.Каримов, З.Комилова	6
Сингуляр коэффициентли тўртинчи тартибли битта тенглама учун Гурса масаласи.....	
К.Каримов	11
Яримчексиз параллелепипедда учта сингуляр коэффициентга эга бўлган эллиптик тенглама учун чегаравий масалалар	

ФИЗИКА, ТЕХНИКА

Р.Расулов, Б.Ахмедов, А.Абдухоликов, У.Раимжонова	24
Яримўтказгичларда ток ташувчилар эффектив Гамильтониани назарияси хусусида.....	

КИМЁ

М.Хожиматов, Ф.Абдугаппаров, И.Асқаров, Қ.Отахонов	28
М-ферроценилбензой кислотаси билан амигдалин реакциясини ўрганиш	

БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

Э.Исаков, Ш.Турдиев	33
Болалар орасида бирламчи ногиронлик структурасининг таҳлили.....	
Ф.Тухтасинов	37
Фарғона водийси жанубидаги сабзаёт экинларининг агробиоценозлари орасида тарқалган бегона ўтлардаги бўртма ва бошқа тур паразит фитонематодаларнинг тарқалиши	

Ижтимоий-гуманитар фанлар

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

Т.Абдуллаев	42
Инсон фаолиятининг ижтимоийлашуви	
Г.Ғаффарова, Б.Қодиров	47
Ҳаракатлар стратегияси ва тизимли ёндашув	
М.Каримова	52
Инсоният онги ва қалбига қаратилган глобал таҳдидлар	
А.Музаффаров	56
Маданиятлараро мулоқот категорияси тадқиқига фалсафий-герменевтик ёндашув.....	
А.Қамбаров, Д.Тошалиев	60
Бузрук мақомидан Сарахбори бузрук шуъбасининг таҳлили масаласига доир	

ТАРИХ

Т.Эгамбердиева	66
1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида ўзбек хотин-қизларининг маънавий жасорати.....	
Ҳ.Холиқулова	71
Ўзбекистон ногиронлар нодавлат нотижорат ташкилотлари: истиқболлари ва уларни ривожлантириш йўллари.....	
О.Ахмадов	75
Бухоро Халқ Совет Республикаси (БХСР)да таълим ва тарбияни замонавийлаштириш учун кураш	

УДК: 331.364

ИНСОН ФАОЛИЯТИНИНГ ИЖТИМОЙЛАШУВИ

СОЦИАЛИЗАЦИЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ЧЕЛОВЕКА

SOCIALIZATION OF HUMAN ACTIVITIES

Т.Абдуллаев

Аннотация

Мақолада инсон фаолиятининг моҳияти ва хусусиятлари унинг ижтимоийлашуви жараёнлари нуқтаи назаридан очиб берилган. Мазкур жараён республикамизда содир бўлаётган ижобий ўзгаришлар ҳамда инсон омилининг ўсиб бориши билан ҳам боғланган.

Аннотация

В статье раскрывается сущность и особенности деятельности человека с точки зрения его социализации, которая неразрывно связана с происходящими позитивными изменениями в нашей республике, а также возрастанием роли человеческого фактора.

Annotation

The article reveals the essence and features of human activity from the point of view of its socialization, which is inseparably linked with the ongoing positive changes in the republic as well as the increasing role of the human factor.

Таянч сўз ва иборалар: жамият, ислохотлар, муносабатлар, ижтимоийлашув, фаоллик, йўналишлар, қонуниятлар, муаммолар, рақобат, хусусийлаштириш, омиллар, ижтимоий ҳодисалар.

Ключевые слова и выражения: общество, реформы, отношения, социализация, активность, тенденции, закономерности, проблемы, конкуренция, приватизация, факторы, социальные явления.

Keywords and expressions: Society, reforms, relationships, socialization, activity, trends, patterns, problems, competition, privatization, factors, social phenomena.

Фуқаролик жамиятининг хусусиятларидан бири – аҳоли барча қатламлари фаолияти юксалишига амалий жиҳатдан кўмаклашиш. Ҳар бир фуқаро республикада жадал олиб борилаётган ислохотлар натижасида кўп қиррали фаолиятини режали ва мазмунли ташкил этишга ҳаракат қилади. Мазкур жараённинг методологик аҳамияти сиёсий ва маънавий жиҳатдан халқларнинг ўзаро яқинлашувида кўринади.

Давлатимиз томонидан белгилаб берилган мақсад – озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт сари интилиш, халқ орзуларини реал жараёнга айлантиряпти. Халқларнинг ҳар томонлама яқинлашуви биринчи галда инсонларнинг ижтимоийлашув жараёнида яққол кўринмоқда, унинг мақсад, вазифалари, мазмун-моҳияти, функционал таъсири жамиятимизнинг ҳамма соҳаларига ижобий таъсир этяпти. Мазкур жараён сиёсий аҳамиятга эга бўлиб, давлатимиз эътиборида марказий ўрин эгалламоқда. Аҳолининг кўп қиррали фаолиятида намоён бўлаётган ижтимоийлашув жараёнларни аниқ

мақсадларга йўналтириш учун давлатимизда мафкуравий аҳамиятга эга бўлган чора-тадбирлар қўлланмоқда, яъни:

- республиканинг барча корхона ва ташкилотларида мутахассис ҳамда ходимлар учун соғлом муҳит яратилляпти;

- жойларда аҳолини, айниқса ёшларнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганган ҳолда тегишли тадбирлар ўтказилляпти ва уларнинг фаол иштирок этишлари таъминланяпти;

- кичик ва кўшма корхоналарнинг ташкил этилишига иқтисодий шароитлар яратиш орқали меҳнат бандлиги маълум даражада таъмин этилляпти;

- хорижий сармояларга барча вилоятларда кенг йўл очилиши, меҳнатга лаёқатли бўлган аҳолини жалб этиш имкониятларининг ўсиб бориши билан бирга фаолиятлари ҳам кенгайиб боряпти;

- корхона ва ташкилотлар моддий-техника базасининг мустаҳкамланиши, замонавий технологияларнинг жорий этилиши мутахассис ва ходимлар ўзаро муносабатларининг кенгайиб боришига, муҳими, ижодий изланишларнинг мунтазам

равишда давом этишига шароитлар яратилляпти;

Т.Абдуллаев – ФарДУ, фалсафа фанлари доктори, профессор.

- хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесга кенг йўл очилиши субъектлар фаолиятининг ғоявий ва мафкуравий жиҳатдан юксалишига янги имкониятлар очилапти.

Инсонларнинг ижтимоийлашувида меҳнат фаолияти алоҳида ўрин эгаллайди. Бозор иқтисодиёти шароитида мулк шакллари кенгайиб бориши инсонларнинг меҳнат фаолиятининг мазмун жиҳатдан бойиб боришига, замонавий технологиялардан самарали фойдаланишига кўмаклашапти. Натижада мутахассис ва ходимларнинг корхона доирасида, корхоналараро даражада ўзаро ҳамкорлик, ўзаро муносабатлар, фикр ва ғоялар, тажриба алмашинуви тезлашиб борапти.

Ижтимоийлашув жараёни шахсларнинг ўзаро муносабатларида яққол кўринади, унинг мазмуни эса инсонларнинг фаолиятларини аниқ мақсадларга йўналтиради. Демак, ижтимоийлашув жараёнининг ўзагини меҳнат фаолияти ташкил этиб, инсоннинг сиёсий ва маънавий жиҳатдан шаклланишини таъминлайди. Шу нуқтаи назардан инсон меҳнатининг моҳияти, қонуниятлари, функцияларини аниқлаш билан бирга унга нисбатан муносабатини билдиришни ҳам тақозо этади. Агарда инсон фақат меҳнатнинг мазмунига эътибор бериш билан чекланса, унинг фаолият кўлами маълум даражада пасайиб боради. Бинобарин, “Таълим-тарбия, меҳнат, мулоқот жараёнида ижтимоий тажриба билан турли муносабатлари ахлоқий меъёрлар, сиёсий ғоя, миллий мафкура каби омиллар таъсирида яшайди, уларни ўзлаштиради ва шу жараёнда ижтимоийлашади, яъни шахс бўлиб шаклланади” [1,275]. Бундай ҳолат маъмурият томонидан инobatга олинади ва асосий эътибор жамоада мутахассис ва ходимларнинг ғоявий жиҳатдан якинлашувига қаратилади. Бу жараённинг қонуниятга ва устувор йўналишга айланиши учун ҳар бир шахснинг меҳнат шароити, касбий маҳорати, дунёқараши, моддий ва маънавий манфаатдорлиги инobatга олинади. Албатта, бундай натижага эришиш кўпроқ шахснинг ўзига боғлиқ, яъни у мавжуд бўлган шароитлардан самарали ва режали фойдаланишга ҳамда маъмурият вакиллари билан муносабатларни

мустаҳкамлашга ҳаракат қилади. Шунинг учун шахс жамоа манфаатлари, қарашларини кузатиб боришга ҳаракат қилади. Бундай ҳаракатлар ўзлари билган ёки билмаган ҳолда намоён бўлади. Афсуски, айрим шахслар билимининг саёзлиги, дунёқарашининг торлиги туфайли бошқаларнинг манфаатларига юзаки ёндашадилар, бу эса уларнинг ижтимоийлашувини сусайтиради ва кутилаётган натижани бермайди. Жамоанинг асосий қисмида (ўрта ҳисобда 67-70%) ҳамкасабаларнинг манфаатлари ва қарашларидан хабардор бўлиб боришади, уларни кузатиб бориш билан бирга назарий, амалий ва психологик жиҳатдан кўмаклашади. Бундай ижобий ҳолат ижтимоийлашув жараёнига кенг йўл очиб боради. Ижтимоийлашув жараёнининг моҳияти ва афзаллик томонлари қуйидаги ҳолатларда кўринади:

- корхона ёки ташкилот белгиланган режасига муваффақиятли эришади;

- меҳнат жамоалари ўртасида ўзаро тушуниш ва ҳурмат натижасида мутахассис ва ходимларнинг фаоллиги ҳар томонлама ўсиб боради;

- республикада мавжуд бўлган ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий шароитлардан ёшлар самарали фойдаланади;

- ҳозирги давр талабларидан келиб чиқиб, фуқароларнинг асосий қисми вазифаларини стратегия ва тактика нуқтаи назаридан белгилаши зарур, деб ҳисоблайди;

- айрим инсонларда лоқайдлик, масъулиятсизлик, боқимандалик каби иллатлардан холи бўлишга ёки уларнинг камайишига амалий жиҳатдан ёрдам беради;

- жойларда ўтказилаётган маънавий-маърифий ва сиёсий тадбирларда фаол иштирок этиш билан бирга улар режалаштириш ва юқори даражада ўтказиш бўйича ҳам мустақил фикр-мулоҳазаларини билдиришади;

- бошқарув жараёни билан боғлиқ масалаларга нисбатан шахслар ўзларининг муносабат ва истакларини билдириб боришади.

Умуман олганда, ҳар бир давлат олиб бораётган сиёсатни, ҳамма соҳадаги ислохотларни жорий этишда аҳолининг

ижтимоийлашув жараёнига таянади ва уларнинг юқори даражада намоён бўлиши учун қулай шароитлар яратади. “Бугунги кунда стратегияда энг муҳим вазифага айланаётган бир масала борки, биз амалга ошираётган барча ислохотларнинг натижаси айнан шу масалани қандай ҳал этишимизга боғлиқ”. Масалан, бозор иқтисодиёти ривожланиши мулк шакллари кўпайишига олиб келади [2,110]. “Хусусий мулкнинг бошқа шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир”[3,18]. Натижада, мулкдор бўлиш зарурияти ва аҳамияти тобора ўсиб борапти. Мулк эгалари эса ўз навбатида тегишли соҳасини, масалан, фермер фермерлик хўжалиги, фирма эгаси фирмаси, тадбиркор тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиради.

Субъектларнинг ҳаракати қайси йўналиш бўлишидан қатъий назар, ижтимоийлашув жараёнига сабаб бўлади, яъни улар фаолиятининг кўлами қанчалик кенгайиб борса, алоқаси бор шахслар билан ҳамкорлик қилишни, тажрибаларини ўзлаштиришни ёки, аксинча, тарғибот қилишни тақозо этади. Таъкидлаш жоизки, ижтимоийлашув жараёнининг мураккаблиги шундаки, мазкур жараённинг мазмун-моҳиятини ва хусусиятларини атрофлича тушуниши, ўзини олдиндан шу масалага моддий, назарий, психологик жиҳатдан тайёрлаши зарур. Шу билан бирга, шахснинг дунёқараши ҳозирги давр талабларини инобатга олишни тақозо этади. Кўрсатилган фазилатлар инсонларда бир хил даражада намоён бўлмагани учун уларнинг ижтимоий ҳаракатларида ҳам тафовутлар содир бўлади, демак, ижтимоийлашув жараёнлари ҳам турли даражада намоён бўлади. Шунинг учун ижтимоийлашув жараёнларини тадқиқ этишда бир томонлама ёндашиб бўлмайди. Масалан, корхона шароитида жамоа аъзоларининг аҳиллиги, бирдамлиги ва муносабатларнинг барқарорлиги меҳнат, маданият, тарбия каби масалаларга ижобий таъсир этади. Амалиёт кўрсатганидек, ушбу жараёнга мутахассис ва ходимларнинг ташаббус кўрсатиши, юзага келаётган муаммоларга нисбатан мустақил фикр билдиришлари, жамоат назоратини ташкил этишлари, ҳамкасбларга яқиндан ёрдам бериш, нисбатан ибрат бўлишлари, меҳнат мобайнида ва меҳнатдан ташқари тарғибот

ишларини мунтазам равишда олиб бориш масалалари ҳам эътиборда бўлиши шарт.

Айтиш керакки, ижтимоийлашув жараёни фақат жамият таркибида намоён бўлади, яъни улар ўртасида боғланиш канчалик мустақам бўлса, шунчалик республикамизнинг ҳамма соҳаларида ютуқларга эришиш ҳамда юзага келаётган қийинчиликларни бартараф этиш ҳаққоний жараёнга айланапти. “Фаровонликнинг юқори бўлиши кишилар ўртасидаги тенгсизлик сақланган ҳолда ҳамманинг тўқ, тинч ва хотиржам яшашини билдиради” [4,397]. Ундан ташқари, жамиятимизда содир бўлаётган ҳар қандай ўзгариш, албатта, ўз ифодасини аҳолининг ижтимоийлашуви жараёнида топади ва аксинча, ижтимоийлашув жараёнининг мазмуни жамиятнинг маълум соҳасида ҳам намоён бўлади. Бир томондан, бу – объектив жараён, чунки инсон ким бўлишидан қатъий назар, кичик оламни, жамиятни ташкил этади. Фақат одамлар индивидуал жиҳатлари билан жамиятнинг ранг-баранглигига ҳам таъсир этадилар. Таъкидлаш жоизки, битта тадбир ташкилотда ёки маҳаллада шакл ва мазмун бўйича бир хил ўтказилмайди. Масалан, Наврўз байрамини нишонлашда Аҳмад Дониш маҳалласида (№1, деб белгилаймиз) аҳолининг умумий қисмидан 62 фоизи, Ўзбекистон маҳалласида эса (№2, деб белгилаймиз) 67 фоизи, №1 маҳаллада тадбирни ўтказишга умумий ҳажмидан 21 фоизи, №2 маҳаллада 18 фоизи, таклифлар билдиришда тадбир мазмунли ўтказилди деб №1 маҳаллада – 61 фоизи, №2 маҳаллада – 67 фоизи, тадбирни ёшлар учун тарбиявий аҳамияти бор деб, №1 маҳаллада 92 фоизи, №2 маҳаллада – 94 фоизи фикр билдиришди. Демак, мавжуд бўлган шароитдан ташқари, фуқароларнинг индивидуаллик томонлари ҳам инобатга олинади. Инсон ўз қобилияти, мотивлари, тўйғулари, манфаатлари каби фазилатлари билан бошқалардан ажралиб туради, шу билан бирга, инсонларнинг фазилатларида умумий жиҳатлари ҳам намоён бўлади, яъни республикада барқарорликни таъминлаш, юксак фаровон ҳаётни таъминлаш аҳолининг аҳиллиги, баркамол авлодни тарбиялаш, давлат ва халқ манфаатларини ифода этиш каби масалаларда аниқ кўринади. Фалсафа фанида алоҳидалик ва

умумийлик категориянинг мавжудлиги аҳоли ижтимоийлашув жараёнида ҳам намоён бўлади, демак, уларнинг ҳаракатида ўзига хос фазилатлар ҳамда уларни боғлайдиган умумий жиҳатлар намоён бўлиш объектив жараёни ташкил этади.

Демократик жамиятнинг афзаллик томонларидан бири шундан иборатки, ҳар қандай инсон мамлакат ҳаётида ўзининг фикри, қарашлари билан фуқаролик ўрнини белгилайди, яъни жамият манфаати билан ҳамнафас бўлиши, ҳаттоки, унда айрим масалалар бўйича истиқболни кўра олиш қобилияти ҳам намоён бўлади. Айтиш керакки, инсон ҳаётини ва мамлакатнинг истиқболини кўра олиш қобилияти бўлганлиги учун жамият тараққиёти давом этади, республикада режалаштирилган долзарб масалалар шиддат билан ҳаётимизга татбиқ этилади. Афсуски, бу жараён айрим инсонларнинг фаолиятида намоён бўлмаётганлиги кузатиляпти. Натижада, демократик ислохотларни ҳаётга татбиқ этишда муаммолар юзага келяпти, уларни бартараф этишда, бир томондан, барча сиёсий институтлар, иккинчи томондан, фуқаролар фаолиятлари кўрсатиляпти. Давлатимиз томонидан ишлаб чиқиляётган чора-тадбирлар, энг аввало, мафкуравий характерга эга бўлиб, аҳолининг асосий қисмида онги билан тафаккурини ижобий томонга ўзгартиряпти ҳамда ижтимоий-сиёсий фаоллиги ўсиб борапти. Умуман олганда, аҳоли ўртасида ижтимоийлашув жараёнларининг намоён бўлиши сабабсиз бўлмайди. Сабаблар мазмун жиҳатдан моддий, маънавий, сиёсий, психологик характерга эга бўлиши мумкин. Ижтимоийлашув жараёнида давлатимиз манфаатлари билан боғланиб сиёсий характерга эга бўлади, фуқароларни мунтазам равишда бошқарув масалаларига жалб этиш, меҳнат фаолиятларига ижодий муносабатларини шакллантириш, инсон хулқ-атворида мавжуд қоидалардан четланишнинг олдини олиш каби долзарб масалалар аҳолининг ғоявий жипслигига, шахс, давлат ва жамият муносабатларининг мустаҳкамланишига замин яратади. Шу нуқтаи назардан давлатимиз томонидан аниқ чора-тадбирлар қўлланиляпти, яъни:

- сиёсий ва иқтисодий ислохотларни инсон манфаатлари билан боғлаш ҳамда инсон омилига таянган ҳолда бозор

муносабатларини босқичма-босқич ривожлантириш;

- аҳолининг меҳнат фаолиятини моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш ёрдамида уларни кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик ишларига йўналтириш;

- шахслараро муносабатларни мустаҳкамлаш мақсадида фуқароларни бошқарув жараёнига жалб этиш, давлат аҳамиятига эга бўлган масалаларга ижодий ёндашувни шакллантириш шулар жумласидандир.

Режалаштирилган чора-тадбирларнинг мазмун-моҳиятини аҳоли, айниқса, ёшлар томонидан ўзлаштиришга, амалиётда қўллашга, барча йўналишлар бўйича тарғибот ишларини олиб боришга эътибор берилляпти. Бундай ҳолат ёшларнинг сиёсий онги ва тафаккурининг илмий асосда шаклланишига ёрдам бермоқда.

Ёшлар сиёсий онги ва тафаккурининг шаклланиши уларнинг фаолият кўламини кенгайтириб боришига, содир бўлаётган ўзгаришларни давлатнинг мақсад, вазифалари билан ҳамда жамият қонуниятлари билан боғлаш имкониятларини яратади. Фуқаролик жамиятининг афзаллик томонларидан бири шундаки, барча сиёсий ва ижтимоий институтлар аҳолининг манфаатларига таянган ҳолда уйғунлиги таъминланади. Давлат асосий сиёсий институт сифатида республикада содир бўлаётган ижтимоийлашув жараёнини устувор вазифаларга йўналтиради ҳамда уларнинг барқарор ривожланиши учун иқтисодий шароитларни яратяпти. Масалан, мулк шаклларининг кенгайиб бориши (бугунги кунда 30 тага яқин мавжуд) натижасида мулкдор синфларнинг республика бўйича ва хорижий мамлакатларда фаолиятларининг ўсиб боришини кўрсатяпти. Мулкдор синфларнинг ижтимоийлашуви мамлакатимиз ривожланишига салмоқли ҳисса қўшяпти. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “Мамлакатимиз даромадининг 60 фоизидан юқорисини тадбиркорлар меҳнати ташкил этади” [5.3]. Шунинг учун тадбиркорларнинг меҳнати давлатимиз томонидан ҳар томонлама қадрланади, ҳимоя қилинади, имтиёзлар берилади. Бундай эътибор мулкдор синфлар фаоллигининг ўсиб боришига катта

туртки бўляпти, муҳими, турли шаклдаги муносабатларга ва ижтимоий ҳаракатларга ижобий таъсир этяпти.

Жамиятнинг ижтимоий-синфий тузуми эса давр талаблари асосида такомиллашиб боряпти. Бу йўналишда мулкдор синфларнинг тафаккури ижобий томонга ўзгаришти. Мазкур жараённинг афзаллик ва қийинчилик томонлари мавжуд. Мулкдор синфларга берилаётган имтиёзлар (солиқ масаласида, ҳужжатларни расмийлаштиришда, банклардан кредит олишда, хорижий инвесторлар билан ҳамкорликни ўрнатиш) каби масалаларда кўринмоқда. Бу кўрсаткич давлатимизнинг эришган ютуқлари сифатида ва меҳнаткаш халқнинг ўсиб бораётган имкониятларини ҳам билдиради. Шу билан бирга, янги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий шароитларнинг талабга жавоб бериш, замонавий технологиялардан самарали фойдаланиш, ўзаро муносабатларнинг интеллектуал даражага олиб чиқиш, тафаккурларини модернизациялашув жараёнлари билан боғлаш мулкдорлар учун қийинчиликларни яратяпти.

Мулкдорларнинг ижтимоийлашув жараёнида юзага келаётган қийинчиликлари

мутахассислар томонидан ўрганиб бориляпти ва уларни бартараф этиш мақсадида қуйидаги тавсияномалар билдириляпти:

- инсон фаолиятини бозор иқтисодиётининг қонунлари, тамойиллари ва ривожланиш босқичлари асосида ташкил этиш;

- республика ҳаётида давом этаётган демократик ислохотларнинг моҳияти ва функционал аҳамиятини ўзлаштирган ҳолда моддий ҳамда интеллектуал имкониятларидан келиб чиқиб, инсон фаолиятини устувор вазифаларга йўналтириш;

- хорижий мамлакатларнинг тажрибаларини ўрганиш ва ижодий равишда ўзлаштириш билан бирга тафаккур тарзини халқлар маънавий мероси билан боғлаш.

Билдирилган тавсияномалар кенг маънога эга бўлиб, мулкдор синфлардан ташқари мамлакатимизнинг барча ижтимоий гуруҳ ва катламларининг фаолиятларига тегишли бўлиб, назарий ҳолатларни жамият соҳасига татбиқ этиш, сиёсий, иқтисодий ва маънавий масалаларга ижодий ёндашиш ижтимоийлашув жараёнларининг юксалиб боришига ёрдам беради.

Адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. –Т.: Ўзбекистон. 2017
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. –Т.: Ўзбекистон. 2019
3. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон. НМИУ, 2017
4. Назаров К. ва бошқ. Фалсафа асослари. –Т.: Ўзбекистон, НМИУ, 2005
5. Ўлмасов А. ва бошқ. Иқтисодиёт назарияси. –Т.: Иқтисод-молия 2017.